



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
Қ А Р О Р И

N 999

2022 й. "24" сентябрь

№ 21/8

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши
курашишга оид ички норматив-хуқуқий ҳужжатларни
такомиллаштириш түғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати түғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш түғрисидаги” қонунларида белгиланган коррупцияга қарши курашишга оид талабларини амалга ошириш ҳамда Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-хуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида, Марказий банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кўйидаги ички норматив-хуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш түғрисидаги Низом 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати түғрисидаги ҳисботни шакллантириш ва тақдим этиш түғрисидаги Низом 3-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш түғрисидаги Йўриқнома 4-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш түғрисидаги Йўриқнома 5-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома 6-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 7-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиши Регламенти 8-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 9-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 10-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Куваталиев) Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-хукукий хужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларни амалиётга татбиқ этилишини ҳамда уларнинг самарадорлиги мониторинг қилиб борилишини таъминласин.

3. Кадрлар билан ишлиш департаменти (В.Хамроқулов) ҳамда Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Куваталиев) мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, бир ой муддатда барча ходимларни Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий хужжатлари талаблари билан таништиурсин, ўкув семинарларини ташкил этилишини таъминласин.

4. Марказий банк Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/12-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказий банк тизимида Хизмат текширувлари ўтказиши тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 26 декабрдаги 28/24-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ўз кучини йўқотган ҳисоблансан.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари Б.Ю. Абубакиров зиммасига юклатилсан.

Марказий банк раиси



М.Б. Нурмуратов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2022 йил “24”сентябрдаги
21/8 - сонли қарорига
8 – илова
№ 999

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ходимларининг
коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш
холатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича**

РЕГЛАМЕНТ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфидаги ташкилотлар (кейинги ўринларда - Марказий банк тизими) ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларини ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари”ни бузилишига нисбатан хизмат текширувини (кейинги ўринларда-хизмат текшируви) ўтказишни белгиловчи ички идоравий ҳужжати ҳисобланади.

2. Мазкур Регламент қуидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

Марказий банк тизимида хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;

хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш;

қоидабузарликларни содир этиш сабаби, имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ички норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва назорат таомилларидағи камчиликларни аниқлаш ва такомиллаштириш юзасидан тавсияларни бериш;

қонунчилик талабларини бузилиши бўйича жавобгарликка тортилиш хавфини камайтириш.

3. Хизмат текшируvida иштирок этаётган ходимлар зиммасига ушбу Регламент талабларига риоя этиши учун шахсий жавобгарлик юклатилади.

4. Хизмат текширувини ўтказиша қуидаги тамойилларга асосланилади:
қонунийлик;

ходимларининг ҳуқук, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш; фуқаролар ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш; олинган ахборот ва материалларнинг конфиденциаллиги; хизмат текширувни ўтказища шаффофлик, ҳалоллик, коллегиаллик, бетарафлик ва холислик ҳамда ходимнинг айбизизлик презумпцияси.

2-боб. Хизмат текширувни тайинлаш

5. Хизмат текшируви ходимлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, Марказий банкнинг ички норматив-хужжатлари ёки одоб-аҳлоқ қоидаларини бузилганилиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда унинг муҳимлигидан келиб чиқсан ҳолда тайинланади.

6. Бундай маълумотлар куйидаги манбалардан олиниши мумкин:
ходимларнинг ёзма ёки оғзаки шаклда берган маълумоти (мурожаати);
Марказий банкнинг алоқа канали орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг юборган хабарлари, мурожаатлари;
оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар;
ўтказилган сўровнома, шу жумладан, ижтимоий ва статистик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган маълумотлар;

Ички назорат тузилмаси томонидан ўтказилган мониторинг ва назорат натижалари;

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сўровлари, тақдимномалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, бошқа ваколатли давлат органларининг топшириқлари.

7. Марказий банкда қуйидагилар хизмат текшируви ташаббускорлари бўла олади:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Раиси ва унинг ўринбосарлари;
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мустақил таркибий бўлинма раҳбарлари, худудий бош бошқарма бошлиқлари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари;

Одоб-аҳлоқ комиссияси;

Ички назорат тузилмаси.

8. Келиб тушган маълумотнинг асосли, Марказий банк тизими ходимларига алоқадор, шунингдек муҳим эканлигини аниқлаш мақсадида дастлабки текширув амалга оширилади.

9. Дастлабки текширув маълумот келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади. Дастлабки текширув хизмат текшируви ҳисобланмайди.

10. Дастрлабки текширув натижалари Марказий банк тизимиға алоқадор бўлган қоидабузарлик содир этилгани тўғрисида таҳмин қилишга етарли асос борлиги аниқланиб, муҳим деб топилса Ички назорат тузилмаси Марказий банк раҳбариятига ёзма хизмат хабарини тақдим этади.

Худудий бош бошқармалар ҳамда тасарруфидаги ташкилотларда хизмат хабарини раҳбарга ва бир вақтнинг ўзида Марказий банк марказий аппаратининг Ички назорат тузилмасига тақдим этади.

11. Раҳбар хизмат хабарини олган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунида хизмат текширувини ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қиласди. Бунда, хизмат текшируви ўтказилмасдан материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

12. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия раҳбари тайинланади. Унинг зиммасига гурӯҳ таркибини шакллантириш ва хизмат текширувни ўтказиш тўғрисида буйруқ (фармойиш)ни расмийлаштириш вазифаси юкланади.

13. Худудий бош бошқармалар, тасарруфидаги ташкилотларнинг раҳбар ходимларига нисбатан тайинланган хизмат текширувига Марказий банкнинг марказий аппарати ходимлари жалб қилинади.

3-боб. Хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссияни тузиш

14. Хизмат текшируви ички назорат тузилмаси, кадрлар билан ишлаш бўлинмаси, юридик хизмат ва бошқа тегишли таркибий бўлинмалар ходимлари, шунингдек касаба уюшмаси вакилидан иборат комиссия томонидан амалга оширилади.

15. Комиссия таркибига Марказий банк раҳбарияти (худудий бош бошқарма бошлиғи, тасарруфдаги корхона раҳбари) ҳамда манфаатдор бўлган шахслар жалб этилмаслиги керак.

16. Комиссия аъзоларида манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжуд эмаслигига комиссия раҳбари ишонч хосил қилиши лозим.

4-боб. Хизмат текширувини ўтказиш

17. Хизмат текширувинг муддати 15 иш кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

18. Хизмат текшируви жараёнида қўшимча тартиб-таомиллар ўтказилиши, аниқлаштирувчи маълумотлар ёки ҳужжатлар олинишида қўшимча муддат талаб этилса, комиссия раҳбари текширувни тайинлаган раҳбарни хабардор қилган ҳолда текширув муддати яна 15 иш кунигача узайтирилиши мумкин.

19. Хизмат текшируви вақтида тегишли ходим иш жойида бўлмаганда (таътил, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар) текширув муддати кўчирилиши мумкин.

Хизмат текширувида ходимнинг иштироки имконсиз бўлса ёки ходим бошқа усул билан иштирок этишдан бош тортса хизмат текшируви ходимнинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин. Ушбу ҳолат хизмат текшируви натижаларида қайд этилади.

20. Зарур ҳолларда, буйруқ асосида хизмат текшируви тайинланган ходимга нисбатан иш фаолиятига доир вақтинчалик чекловлар, жумладан ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов, айрим хона ва биноларга киришга таъкиқ, ишдан четлаштириш ёки бошқа чекловлар қўлланилиши мумкин.

Чекловлар қўлланилган ҳолларда буйруқ билан ходим таништирилади, ходим рад этса бу ҳақида далолатнома тузилади.

21. Коида тариқасида, ходимга нисбатан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишга оид буйруқ хизмат текшируви ўтказишнинг муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5-боб. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ўрганиладиган маълумотлар

22. Хизмат текширувини ўтказиш давомида комиссия қоидабузарликка алоқадор бўлган маълумотларни тўплаш, тахлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

хизмат текшируви тайинланишiga сабаб бўлган важларнинг асослилиги;
аниқланган қоидабузарлик ва уни содир этиш сабаблари;
қонунчилик ёки ички идоравий ҳужжатларга хавола (бандлари билан);
қоидабузарликни содир этишда иштирок этган шахслар доиласи;
етказилган моддий ва номоддий, обрў-эътибор характеристидаги заарнинг кўриниши ва кўлами;
ходимнинг тушунтириш ва ёзма равишдаги талабларида кўрсатилган важлар;
қоидабузарликка алоқадор бўлган бошқа маълумотлар.

23. Хизмат текширувини ўтказиш давомида олинадиган маълумотлар манбаси қуидагилар бўлиши мумкин:

хизмат текширувидаги ходим, Марказий банкнинг бошқа ходимлари, учинчи шахсларнинг ёзма ёки оғзаки тушунтиришлари;
тасдиқловчи ҳужжатлар (ёзма ва электрон шаклда);
интернет тармоғининг очиқ ахборот манбаларининг маълумотлари;
аудиоёзувлар, фото- ва видеосъемкалар;
қоидабузарликка алоқадор бўлган бошқа материаллар.

24. Юқорида санаб ўтилган барча, шу жумладан конфиденциал маълумотлар комиссия томонидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган барча таомилларни қўллаган ҳолда олиниши ва фойдаланилиши керак.

25. Марказий банк ходимлари ёки жалб этилган бошқа шахслар билан ўтказилган сұхбат жараёнини аудио ёки видео шаклида қайд қилиниши, сұхбат түғрисида баённома тузилиши мүмкін (аудио ёки видео қайд хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйилади).

Аудио ва видео қайдни амалга оширишдан олдин, сұхбат ўтказилаётган шахснинг розилиги олинади. Розилик берилмаса, сұхбат жараёнида аудио ва видео қайдини амалга оширувчи ускуналардан фойдланишга йўл қўйилмайди.

26. Ходимлар хизмат текшируви жараёнида сұхбат ёки тушунтириш беришдан бош торған ҳолларда 1-иловага мувофиқ далолатнома расмийлаштирилади.

6-боб. Комиссия раҳбари ва аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари

27. Комиссия раҳбари хизмат текширувининг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, комиссия аъзоларининг мазкур Регламент билан белгиланган талабларга амал қилишлари учун маъсул бўлади.

28. Хизмат текширувни ўтказища комиссия раҳбарининг вазифалари:

хизмат текшируви ўтказишнинг йўналишлари, амалга ошириладиган тадбирларни белгилайди, комиссия аъзолари олдига вазифалар қўяди;

хизмат текшируви ўтказилишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

хизмат текшируви ушбу Регламентга мувофиқ равища ўтказилишини назорат қиласи;

хизмат текширувни холис ва самарали ўтказиш учун зарур бўлган чоралар кўрилишини таъминлайди;

хизмат текшируви натижаларини раҳбаријатга тақдим этади.

29. Хизмат текширувни ўтказувчи комиссия аъзоларининг хуқуқлари:

ходимлар билан сұхбат ўтказиш, тушунтириш хати олиш, текширув моҳияти түғрисида маълумотга эга бўлиши мүмкін бўлган учинчи шахслар, шунингдек, Марказий банк раҳбаријати билан келишилган ҳолда ташқи экспертларни жалб қилиш;

сұхбатни ёзма шаклда ёки заруриятга кўра, аудио ва видеоқайд этувчи ускуналар қўллаш орқали қайд этиш;

хизмат текширувига алоқадор бўлган материалларни ходимлардан олиш.

30. Комиссия раҳбари ва аъзолари мажбуриятлари:

хизмат текширувни ўтказища қонунчилик, ушбу Регламент ва бошқа тартибга солувчи ички хужжатлар талабларига риоя этиш;

хизмат текшируви учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларни (хужжатлар, электрон маълумотлар) бутлигини сақлаш чораларини кўриш;

хизмат текшируванинің үтказиш даврида эга бўлинган маълумотлар конфиденциаллигини сақлаш ва ошкор қиласлик.

7-боб. Хизмат текшируви тайинланган ходимнинг хукуқлари

31. Хизмат текшируви тайинланган ходим(лар) қуидаги хукуqlарга эга:
- хизмат текшируви үтказилиши тўғрисида хабардор бўлиш;
- қоидабузарликнинг содир этилиши сабаблари ва шароитлари, хизмат текширувининг бориши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш хукуқи билан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар бериш, шунингдек, исбот-далилларни тақдим этиш;
- тақдим этган маълумотлари, тушунтиришлари ва бошқа текширув материалларига алоқадор бўлган хужжат ёки фактларни кўшиб қўйишни талаб қилиш;
- хизмат текшируви тугаганлиги тўғрисидаги хабарни олиш ва хизмат текшируви натижаси билан танишиш;
- хизмат текшируви натижаларидан, шу жумладан, комиссия томонидан текширув якунлари бўйича таклиф этилган жавобгарлик чорасидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарор устидан Марказий банк раҳбариятига (тасарруфдаги ташкилот раҳбарига) ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ваколатли идораларга шикоят қилиш.

8-боб. Хизмат текшируванинің үтказишга жалб қилинган бошқа ходимларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

32. Хизмат текшируванинің үтказишга жалб қилинадиган ходимлар, хизмат текшируванинің үтказишда комиссияга ҳар томонлама кўмак бериш, шу жумладан, хизмат текшируви бўйича талаб қилинган тушунтиришлар, маълумот ва хужжатларни тақдим этишлари, комиссия аъзолари томонидан ташкил этиладиган сұхбатларда иштирок этишлари шарт.

33. Хизмат текшируванинің үтказишга жалб қилинаётган ходимлар уларнинг текширувда иштирок этиш жараёнида уларга маълум бўлган хизмат текшируви маълумотларини ошкор қилишга хақли эмаслар.

34. Хизмат текшируванинің үтказишга жалб қилинаётган ходимлар қуидаги хукуқларга эга:

ўзлари ва яқин қариндошларга қарши гувоҳлик бермаслик;

Марказий банк раҳбариятига комиссия раҳбари ва аъзоларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

9-боб. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

35. Хизмат текшируви натижалари бўйича далолатнома тузилиб, комиссия раҳбари, унинг барча аъзолари, хизмат текшируви тайинланган ходим томонидан имзоланади. Агар ходим имзо қўйишдан бош тортса, у ҳолда комиссия раҳбари

далолатномага тегишли белги қўяди ҳамда хизмат текшируви натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахс имзо қўйиши лозим.

Далолатномага (ёки бошқа ҳужжатларга) имзо қўймаслик ходимга нисбатан тегишли жавобгарлик чорасини қўллашдан озод қилмайди.

36. Далолатнома, унинг алоҳида бандларидан норози бўлган комиссия аъзоси ёки хизмат текшируви тайинланган ходим (шахс) ўз фикрини ёзма равища ифодалаб, алоҳида қайд билан далолатномага имзо қўйиши мумкин.

37. Қоидабузарлик ҳолатлари тасдиқланса далолатнома асосида ходимга нисбатан жавобгарлик чоралари, шунингдек, қоидабузарлик сабаблари ва қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган шартларни бартараф этиш имконини берадиган чораларни қўллаш бўйича таклифлар тайёрланади.

38. Далолатномага асосан, Марказий банк раҳбарияти (худудий бош бошқарма бошлиғи, тасарруфдаги ташкилот раҳбари) қуидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

қоидабузарлик ҳолати тасдиқланмаганлиги сабабли чора кўрмаслик;

сабабларини кўрсатган ҳолда хизмат текшируви материалларини қўшимча ишлаш учун қайтариш;

айбдор ходимни интизомий жавобгарликка тортиш;

ходимга нисбатан огохлантириш, профилактик характердаги чораларни қўллаш;

келгусида шу каби қоидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

хуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолда, тегишли материалларни хуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш.

39. Барча хизмат текшируви натижалари Ички назорат тузилмасига ва кадрлар билан ишловчи таркибий бўлинмаларга тақдим этилади.

40. Хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган маълумот ҳақида хабар берган шахслар қоидабузарлик тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, шунингдек кўрилган чоралар ҳақида умумий тарзда хабардор қилинади.

10-боб. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

41. Хизмат текшируvida иштирок этаётган ходимлар текширув давомида уларга маълум бўлган ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлайдилар, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

42. Хизмат текширувига оид маълумотлардан фойдаланиш хуқуқига фақат Марказий банк раҳбарияти, ички назорат тузилмаси, кадрлар билан ишлаш бўлинмаси ва комиссия аъзолари эга. Бошқа ходимлар Марказий банк раҳбариятининг (тасарруфдаги ташкилот раҳбари) ёзма розилигини олиши лозим.


43. Хизмат текширувига оид материаллар комиссия раҳбари томонидан алоҳида йиғмажилдга ракамланган ва тикилган ҳолда ички назорат тузилмасига топширилади.

44. Ички назорат тузилмаси, мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда хизмат текширувлари реестрини юритилишини таъминлайди. Тасарруфдаги ташкилотларда ўтказилган хизмат текширувлари реестрини ташкилотнинг ички назорат тузилмаси юритади.

45. Хизмат текширувига оид барча хужжатлар, агар бошқача тартиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилмаган бўлса, тасдиқланган вақтдан бошлаб 5 (беш) йил давомида сақланиши лозим.

Департамент директори

Ш. Қуваталиев



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизими ходимларининг коррупцияйвий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламентга 1-илова

ДАЛОЛАТНОМА

«___» 20__ й.

Биз, қўйида имзо қўювчилар

(ФИШ, лавозими)

(ФИШ, лавозими)

(ФИШ, лавозими)

Ходим (ФИШ, лавозими) 20—йилнинг «--»да

_____,
дан иборат бўлган қоидабузарлик содир этилганлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бериш таклиф этилган бўлиб, у ёзма тушунтириш беришни рад этгани тўғрисида ушбу далолатномани туздик.

Ёзма тушунтириш беришни рад этганлиги сабабларини ходим (ФИШ, лавозими) куйидагилар билан изоҳлади

(тушунтириш беришни рад этганлик сабаблари эркин шаклда баён этилади).

Далолотнома тузган шахслар имзоси: _____
(имзо) (ФИШ)

(имзо) (ФИШ)

(имзо) (ФИШ)

Далолотнома билан танишдим*: (ФИШ, лавозим, сана, имзо) _____

* Далолотномага имзо қўйишдан бош тортса, комиссия раҳбари «имзолашдан бош тортди» ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизими
ходимларининг коррупцияий хатти-холатлари ва одоб-аҳлоқ
коидаларини бузиш холатлари устидан хизмат текширувлари
ўтказиш бўйича регламентга 2-илова

Хизмат текширувлари (электрон) реестри

T/r	Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги бўйрук раками ва санаси	Ўтказилган Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома раками ва санаси	Хизмат текшируви Ўтказиш даври	Хизмат таркibi	Комиссия таркibi	Коидабузарлик тўғрисидаги ахборот келиб тушган манба	Хизмат текшируви Ўтказиш йўналишларининг кискача таърифи	Текширув натижалари бўйича тасдиқланган чоралар	Аниқланган айбдор шахстар рўйхати	Текширув натижаларининг кискача таърифи	Муддатлар ва ижро учун масъул	Амалда бажарилганик тўғрисидаги ахборот
							7	8	9	10	11	12
1	2	3	5	6	7	8						
1												
2												
3												
4												
5												
...												